O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

MILLIY TIKLANISH

# Миллий тикланиш

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 21 МАЙ
21 (458)-сон
Чоршанба

# ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ



***Кеча Қорақалпоқ заминида якунига етган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ўйинлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида, спортимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланди.***

***Тадбир қатнашчиларига Президентимиз Ислом Каримов табрик йўллади. Табрикдаги "Биз юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлодни вояга етказишни ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйганмиз" деган сўзлар юртимиз ёшларига билдирилаётган юксак ишонч ифадасидир.***

**«Баркамол авлод — 2008»**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мана шу эзгу мақсадга эришиш, фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этиши, уларни бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш учун катта ишлар амалга оширилаётир. Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўплаб замонавий, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган стадионлар, спорт иншоотлари қад ростлади. Уларда миллионлаб ёшларимиз спорт сирларини ўрганишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу амалга оширилган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Бугун ўзбекистонлик спортчилар олимпиада, жаҳон ва қитъа ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаяпти. Энг қувончлиси, Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган уч босқичли, дунёнинг бирор давлатида йўқ мазкур спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшлари орасида аллақачон оммалашиб улгурди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинлари 17-20 май кунлари Нукус, Тахиатош шаҳарлари, Хўжайли ва Кегайли туманларидаги замонавий спорт мажмуаларида бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар спортнинг 12 тури бўйича беллашдилар. Ғолибларга медаллар, қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг муҳими, юртимизнинг турли бурчакларидан келган ўқувчилар бир-бирларини яқинроқ билдилар, дўстлашдилар. Зеро, мусобақаларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шу эди.

Спортнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти беқиёс. Қалбида спортга муҳаббати бор болалар келгусида иродаси мустаҳкам, она юртига садоқатли, Ватан учун фидойи бўлиб вояга етадилар. Ишонамизки, Қорақалпоғистонда ўтган ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами ҳам шундай юксак мақсадлар йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳа, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Маррани доимо баланд олиб яшанг, эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларники!".



● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.**

# МИЛЛИЙ МУЗЕЙ ФОНДИ ЗАРУР

Партия фракцияси йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Одил Исаев "Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) ҳақида ахборот берди. Мазкур қонун лойиҳаси аввал депутатлар томонидан ялпи йиғилишда биринчи ўқишда муҳокама этилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Ишчи гуруҳи томонидан ушбу қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланди.

Мазкур лойиҳа музей ашёларини сақлаш, ўрганиш, тиклаш, уларнинг фуқаролик муомаласи борасида амалга оширилиши зарур бўлган ҳаракатлар ва тадбирлар тизимининг қонуний асосини юзага келтиришга қаратилган. Бунда Миллий музей фондини тузиш ва унинг таркибига кирган музей ашёлари устидан давлат назоратини олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар музейларни ташкил этиш, бошқариш, тугатишнинг қонуний талаб ва шартларини шакллантириш, давлат бошқаруви идораларининг Миллий музей фонди ва музейлар соҳасидаги ваколатлари, муассислар, музейлар маъмуриятлари ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини аниқлаштириш каби масалалар кўзда тутилган.

"Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарованинг ҳисоботи тингланди. Ушбу қонун лойиҳаси ҳам илгари депутатлар томонидан ялпи йиғилишда муҳокама этилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланди. Тайёрлаш жараёнида партия фракциялари, қўмиталари ва тегишли идоралар томонидан билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазалар эътиборга олинди.

Қонун лойиҳалари муҳокамасида депутатлардан Сарвар Абдуллаев, Шарифа Салимова, Абдуғафур Маматовлар фаол иштирок этиб, лойиҳаларни концептуал нуқтаи назардан фракция аъзолари маъқуллашини ва ялпи мажлисга тақдим этишини билдиришди.

Шунингдек, фракция йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ҳосил КАРИМОВ.**

# ТАРИХИЙ МЕРОС ВА МАТБУОТ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Ёшларда тарихий-маданий меросга ҳурмат туйғусини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзуида Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида ўтказилган минтақавий семинар айнан мозийга оид қадриятларга бағишланди.***

Парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳамедов бошқарган ушбу анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Исмоил Саифназаров, Элликқалъа тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Неъматулла Худойберганов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Анора Бобомуродова, Анвар Бойқулов маъруза қилдилар. Меросимизни оммавий ахборот воситаларида ёритишни янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди, бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

*Парламентнинг сайёр тадбири*

Анжуман учун Элликқалъа тумани танлаб олингани бежиз эмас. Бу ерда 254 та кўҳна қалъа ва обидалар мавжуд бўлиб, улардан эрамиздан олдинги I асрдан буён сақланиб келинаётган кўҳна "Аёзқалъа", эрамизнинг бошида хоразмшоҳлар қароргоҳи вазифасини ўтаган "Тупроққалъа" ва бошқа қадимий қалъалар ЮНЕСКО тасарруфига олинган. Туманда мазкур бебаҳо меросни асраб-авайлаш, ўрганиш, навқирон авлодни бу боқий ёдгорликлар билан таништириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. "Аёзқалъа" мажмуасида ЮНЕСКО ташаббуси билан "Марказий Осиё ва Афғонистон лойдевор меъморчилиги муаммолари" мавзуида халқаро симпозиум ўтказилган. Кўҳна қалъаларни сақлаш ҳамда консервация қилиш, уларда таъмирлаш ишларини олиб бориш мақсадида "Аёзқалъа" мажмуаси учун 800 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Сергей Толстов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган археолог ва этнографлар симпозиуми ҳам ўтказилиб, бу борада яна бир саҳифа очди. Туманда тарихий-маданий мерос объектлари сафига янгиларини қўшиш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, "Мотамсаро она", "Устозга эҳтиром", Бўстон шаҳрида ва "Тозабоғ" овулида байналмилал жангчиларга ўрнатилган ҳайкал ва ёдгорликлар шулар жумласидандир. "Ижодкорлар боғи", "Бунёдкорлик аркаси", "Севишганлар хиёбони", "Очиқ осмон остидаги музей" мажмуалари доимо гавжум.

Муҳаммад Юсуф номидаги Бўстон академик лицейида бўлган тадбир иштирокчилари ўқув жараёни, оммавий-спорт ишлари билан яқиндан танишдилар.

Анжуман доирасида маънавият кечалари ҳам ўтказилди. Сарибий агроиқтисодиёт коллежида ўтказилган уч авлод учрашувида меҳнат фахрийлари, қишлоқ мулкдорлари, зиёлилар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирок этишди. Учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олимжон Ўсаров, республика ёш ёзувчиларининг Зомин анжумани ғолибаси Машҳура Шарипова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

**Жангабой ЖАЙЖОНОВ.**

● 2008 йил — Ёшлар йили

***Ёшлигимга ўхшар дарёлар,***
***Ёшлигимдай жўшар дарёлар...***

***Бу — болалигимизда куйланган қўшиқ. Ёш дўстим, бундай жўшқин қўшиқларни кўп куйлаганмиз. Ҳа, биз фақат жўшқин қўшиқлар куйлашга одатланган эдик. Аслида болалик, ўсмирлик, ёшлик йиллари инсон маънавиятига пойдевор ясайди. Бизнинг бутун умрлик маънавий оламимиз ана шу пойдевор устига қурилади. Бетакрор олтин давримиз эса...***

***Бошланғич синфданоқ йилнинг икки-уч ойини далада, ғўза билан ёнма-ён ўтказардик. Пахта йиғим-теримида ҳам бўйимиз ғўзапоя билан тенг бўлиб пайкал ичида бўлардик. Зах ва заҳарга тўла пахтазорда кечган ёшлик йилларимиз туфайли кўплаб тенгдошларимиз ревматизм, ангина, ошқозон-ичак касалликларини орттириб олишганди.***

# ЭЙ, УЛУҒЛАР АВЛОДИ



Бир воқеани яхши эслайман: Зулфия исмли аёл эрталаб сигир соғаётганда самолёт устидан бутифос қуйиб ўтади. Уч кун деганда сигири, уч ой деганда ўзи ўлади. Олти боласи етим қолган. Халқимиз устига аёвсиз сепилган заҳар-заққумлар, болалар ўлими... Аёлларнинг ўзларига ўт қўйишлари... Касалликлар. Беҳисоб майиб-ногиронлар... Обидаларнинг қаровсизликдан емирилиб бориши...

Ёш дўстим! Бугунги куннинг қанчалар қадрли эканлигини ҳис этаяпсанми? Ҳурликнинг, Истиқлолнинг, Мустақиллигимизнинг буюк неъматлигини англаяпсанми? Огоҳ бўл: сен жаҳоннинг келажагисан! Бутун Ватан бўйлаб қутлуғ ишлар давом этаяпти. Сен унинг асосий иштирокчиси бўлишинг керак. Чунки энди сен соғлом ва сергак жон бўлиб жамиятнинг томирларида янги қон бўлиб оқишга масъулсан. Ўзингни англаб ет: халқингнинг тарихини биласанми? Ичкилик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг тузоғига тушиб қолувчи эмасмисан? Вақтингни бекор ўтказиб, ёшликни беқадр этмайсанми? Маърифат сари қадам босишга ироданг етадими? Сен илмга интилсанг, ғайратли, шижоатли, билимли ва зукко бўлсанггина эртанги кун ёрқин бўлади.

*Давоми 2-бетда*

***Ўтган йили ёзда опам набира кўрдилар. Чилласи чиққач, қариндошлар йиғилишиб қутлагани бордик. Опам ичкари уйдан оппоқ йўргакка ўралган чақалоқни авайлабгина олиб чиқиб, қўлимга берди.***

# ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД БЎЛСИН

— Полвонимизни кўргани шаҳардан холаси келибди.

Гўдакнинг ёқимли иси хонани тутди. Ҳали юз-кўзларидан чақалоқни бировга ўхшатиб бўлмаса-да, қорайиб турган қошларига қараб:

— Бувижониси, қошлари сизга тортибдими? — дедим бир қўлимдаги жажжигина чақалоққа, бир опамга қараб. У киши хурсанд бўлди.

— Полвоннинг отини нима қўйдингиз? Қани таништирингчи, — деб қизиқдим.

— Миржалол. Тўртинчи синфда ўқийдиган амакиси футболга қизиқади. Миржалол Қосимовга ўхшасин деб, шу отни қўйдик, — дедилар ғурурланиб.

Болага исм қўйиш ва танлаш инсон ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири. Кайковуснинг "Қобуснома" асарида бу ҳақда "Болага исм бериш ота-онанинг биринчи қарзи ва бурчидир", — дейилади. Фақат ота-она истасагина болага бошқа одам исм қўйиши мумкин. Шунда ҳам бу вазифа ёши улуғларга юклатилади. Ёши улуғ одамлар эса исмнинг келиб чиқиш тарихи, унинг мазмунини яхши билганлар. Қолаверса, шу номдан қариндош-уруғларда бор-йўқлигидан ҳам хабардор бўлишган.

Шундай исмлар борки, улар фақат ўз эгаларига қўйилади. Масалан, "саид", "мир", "шо" билан бошланадиган ёки хўжа билан тугалланадиган номлар маълум бир авлодга тегишли ҳисобланади. Ҳамма ҳам ўз исмига хўжа ёки саид (саййид)ни қўшиб кетолмагани каби мир қўшимчасини мирлар авлодига мансуб кишилар қўйишини опам билмаган, кўринади албатта.

*Мулоҳаза*

"Исм инсон учун илоҳий неъмат. Айни пайтда у тақдиримизнинг узвий бўлаги ҳамдир. Кишининг исми уни изидан етаклайди. Шунинг учун болани номлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Исмининг мазмунини билмаган одам уялиб қолиши ҳам мумкин. Мендан сўнг фарзандларингизга исм танласангиз уч нарсага эътибор беринг. Мазмунини тушунган ҳолда чиройли ва айтилиши қулай бўлганини танланг. Агарки, кимнинг исми ўзига ёқмаса, уни ўзгартириши мумкин. Бунга қаршилик қилиш керак эмас. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) исми ўзига мос келмаган кишиларнинг номларини ўзгартирганлар. Бу ҳақда ҳадислар бор", — дердилар отам. Кейинчалик бу ҳадисларни мен ҳам ўқидим. "Исм бу илоҳий нарса бўлиб, у дуонинг бир кўринишидир. Бировга бир исмни берар эканмиз, энди бу бизнинг ниятимиз ифодасига айланади", — дер эди яна отам. Албатта, у пайтлар бу гапларнинг маъносига унчалик тушунмасдим. Кейинчалик ҳаётий кузатишларим шу нарсани кўрсатдики, бу айни ҳақиқат экан. Масалан, фарзанди турмасдан нобуд бўлган одамлар кейинги фарзандига Турсун ёки Турсуной деган исм қўйгач, шу болалар яшаб кетганини кўрганмиз. Ўғил фарзанд туғилмаган оилада Ўғилой деб исм қўйилгач, ўғил бола туғилганини ҳам кўп бор эшитганмиз. Исмнинг илоҳийлиги шундаки, баъзи отлар болани даволашга ёрдам берган. Халқда болага ўз номини қўйинглар, деган гап ҳам юради.

Кўчар исмли бир тоғамиз бор. Аввал уларнинг номи Маҳмуд бўлган экан. Баданини қандайдир яралар босгач, яралар кўчиб кетсин деб Кўчар деб аташган. Шундан кейингина яралари тузалган экан. Исмни қисқартириб ҳам айтиб бўлмайди. Агар қисқартириб ёки бузиб айтилса, ўз-ўзидан маъно ҳам ўзгаради. Энди у қулоғимизга азон айтиб қўйилган исм бўлмай қолади, деб ўргатишарди бизга катталар. Биз ҳам бу гапларни фарзандларимизнинг қулоқларига қуйиб боришимиз керак.

Улуғ инсонларга ҳавас қилиб, фарзандларимизни уларнинг номи билан аташни яхши кўрамиз. Ўғлимга Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг номларини бердим деб, ғururланамиз. Аммо кейинчалик болага улуғ одамнинг номини қўйганимизни унутиб қўямиз. Унга шунчаки бир исм сифатида қараймиз. Момоларимиз айтишларича, бурунги замонларда битта-иккита одам фарзандига Муҳаммад деб исм қўйса, ўша болага алоҳида эътибор берилган. Уни уришиб, ҳақоратлаб бўлмаган. Исмнинг ҳурмати сақланган. Шу бола иззатланган. Ҳатто боланинг отаси ҳам Муҳаммаднинг отасиман, деб ўз ахлоқини яхшилаб борган. Бугун ҳам фарзандларига улуғларнинг номини берган кишилар бундан ибрат олсалар арзийди. Болага оти оғирлик қилди, уни кўтаролмади, деган гапларни эшитгансиз. Бу улуғ зотларнинг номини беришга бериб, кейинчалик эътибор кўрсатилмаганининг оқибати ҳам бўлиши мумкин.

Исм инсонга бир умр йўлдош бўлиб қолар экан, демак болага ном танлашда адашмайлик. Ҳаётда эса ҳар биримиз ўз номимизга муносиб бўлиб қолайлик.

**Ҳидоят ОЛИМОВА.**

# ҚУРУЛТОЙГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдан ташқари III пленумида жорий йилнинг 7 июнида ЎзМТДПнинг навбатдан ташқари V Қурултойини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.***

Шу муносабат билан ЎзМТДП вилоят кенгашларининг конференциялари бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар кенгашларининг конференцияларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари иштирок этишди.

Ҳудудий кенгашларда ўтган конференцияларда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг ваколатларини кенгайтиргани, шу билан бирга уларнинг олдига масъулиятли вазифаларни қўйганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, партиянинг навбатдан ташқари V Қурултойига делегатлар сайланди.

**Гулбаҳор ОРТИКХЎЖАЕВА.**

Газетамизга «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Давоми. Боши 1-бетда

# ЭЙ, УЛУҒЛАР АВЛОДИ

Ҳу, кўкда парвоз қилаётган самолётни кўряпсанми? У «Боинг» самолёти. Ана ўшани сенинг тенгдошинг, бизнинг Боёвутдан чиққан учувчи Баҳром Кенжаев бошқаряпти. У ўтюрак йигит, ғайрати ичига сиғмайдиган азамат. Сирдарёмизда Баҳромга ўхшаган алп ёшларимиз жуда кўп. Яқинда Гулистон Давлат университетида «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимиз келажагидир» номли маърифий тадбир ўтказдик. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳамедов ва яна бир қанча таниқли ижодкорлар қатнашдилар. Тадбирда Абдулла Ориповнинг ёшларга қарата айтган сўзлари ёдимда қолди. Шоир иқтидорли, истеъдодли ёшларга қилинаётган ғамхўрликларнинг беқиёслигини айтиб ўтди. Ёшлигини эслаб, ўша пайтлари ёзган шеърлари учун қанча-қанча идораларга чақирилиб, таъқибларга учраганлигини сўзлаб берди ва бугунги ёшлар учун ижод қилиш, ихтиролар билан шуғулланиш, илм олишда қанчалар кенг имкониятлар яратилганлигини ҳавас билан таъкидлади. Биргина шу университетнинг ўзида қанчадан-қанча истеъдодли тенгдошларинг бор экан, ёш дўстим! Уларга фақат ҳавас қилиш мумкин.

Турли тадбирлар ўтказишнинг аҳамияти катта, албатта. Бу кўп ёшлар билан мулоқотда бўлиш, дўстлашиш, фикрлашиш имкониятини яратар экан. Бунга ўз фаолиятимда ҳам амин бўлдим. Яна «Миллий тикланиш — ёшлар нигоҳида», «Миллий ғурур — миллат ифтихори», «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз», «Устоз отангдек улуғ», «Маърифатдан таралар зиё», «Экология ва ёшлар» мавзуларида турли-туман учрашувларни режалаштириб қўйдик. Бу тадбирларимизнинг ташкилотчиси ва энг фаол иштирокчиси бўлишингга ишонаман, ёш дўстим! ЎзМТДП вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси Қаҳрамон Қунноқов бу масалада ҳамиша ҳамкорликка тайёр. Ўзи ҳам жуда серғайрат, ташкилотчи ёшлардан. Муҳими, кўнгилга йўл топа оладиган йигит.

Саида Саидбекова деган қизимиз бор. Баҳром кўкда самолётда парвоз қилса, Саида санъат олами осмонида баландларни кўзлаяпти. Жуда иқтидорли, шеърлар ёзади, журналистикага қизиқади, чет тилларни ўрганишга ҳам вақт топади, чеварликдан ҳам яхшигина хабари бор, қўли ширин пазанда. Шунинг учун ҳам «Миллий калом, миллий либос, миллий таом» республика танловида ғолиб бўлган.

Бунёд Пирматов шифокор. Партиямизнинг Боёвут тумани «Ёшлар қаноти» етакчиси. Туман ёшлари ажойиб ташаббуслар билан чиқишаяпти. Ҳовли, кўча, қишлоғимизни боғу роғларга айлантирамиз, деб ободончилик кунлари эълон қилишди. Уюшқоқлик билан катта ишларга бош-қош бўлишаяпти. Партиямиз сафида шундай навқирон авлод вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Фарҳоджон Акромов, Комилжон Матқуловлар аллақачон ҳаётда ўринларини топишган. Бугунги кунда улар тенгдошларига ўрнак. Ана шунга ўхшаш ёшлар ҳақида ўйлаганда, Юртбошимизнинг сўзларини эслайман: «Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар энг аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади. Улар ўз фарзандлари учун ҳар жиҳатдан ўрнак ва ҳар томонлама ибрат бўлмоқлари керак».

Улар айнан оналари розилигини қозонган, дуоларини олиб униб-ўсаётган ёшлардир. Президентимиз: «Худо берган болани боқиш, тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало шу заминда яшаётган ота-онанинг, қолаверса, шу эл тақдири қўлига ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди», — дея таъкидладилар. Бу эса ҳаммамизнинг мазкур масалага бефарқ бўлмаслигимизни ҳар лаҳзада эслатиб туради.

Ёш дўстим! Эътибор қилиб қарагин-а, тарихда ўчмас из қолдирган алломаларимиз жуда кўп. Уларнинг деярли барчаси илм ва маърифатни айни ёшлик чоғларида эгаллашган. Шу билан бирга, одобу ахлоқда ибрат даражасига кўтарилган зотлардир. Билгинки, сен шундай покиза инсонлар авлодисан. Энди ўйла, глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги вақтда сен бегона маданият, урф-одатларга берилиб, ўз илдизингдан куч олишни унутиб қўймаяпсанми? Ахир, илдизлари бақувват, ҳаёт йўли ям-яшил, ижод сарҳадлари бепоён халқнинг фарзандисан. Буни яхши билишинг керак.

Ёшликни тўрт фаслнинг гўзали — баҳорга қиёслашади. Айни кучга тўлган, тўлишган, гул-гул очилган, кўнгил орзулардан қанотланган бир чоғ. У шундай чаман бир боғки, сира тугамаса, унда сайр этаверсанг. Ахир, куни кеча эмасмиди қишлоғимнинг тупроқли кўчаларида тенгдош, тенгқурларим билан тўп суриб юрганларим? Талабалик йилларим-чи? Унинг ўзи бир достонга арзигулик эмасми? Китобдан бош кўтаролмай уйқусизликда ўтган кечалар, ҳар бир куни турли воқеаларга бой талабалигим қачон ортда қолди?

Кун ўрнини тунга, ёз ўрнини кузга бергандек бу олтин ёшликнинг ҳам ўтиши тайин экан. Ҳамма гап ана шу даврни беҳуда ўтказмасликда. Баъзан катталардан «ҳозирги ёшлар ундай, ҳозирги ёшлар бундай», деган норози оҳангдаги гапларни ора-сира бўлса ҳам эшитиб қоламиз. Шунда уларга қарата «ўша ёшлар аслида кимлар?» дегим, ҳар бirimизнинг елкамиздаги масъулиятни эслатгим келаверади. Ўғил-қизларнинг яхши-ю ёмони ўзимизники. Улар яхши бўлса, берган тарбиямизнинг маҳсули, ёмон бўлса, бу ҳам бизнинг хатомиз. Ана шуни яхши англашимиз керак.

Ёш дўстим, ҳамма гап сенда қолди. Тинч ва осойишта Ватанимиз бор. Илм ол, ҳунар ўрган, юрт равнақи йўлида фидойи бўл. Сенинг баркамоллигинг келажагинг гуллаб-яшнашидир.

***Биз кетармиз, қўшиқ қолади,***
***Ҳур юрт қолар ўғил-қизларга,***
***Ортимизда қолар изларга***
***Биз кетармиз, қўшиқ қолади.***
***Биз кетармиз, қўшиқ қолади,***
***Куйлайверар авлодлар тўлиб,***
***Умримизнинг давоми бўлиб,***
***Биз кетармиз, қўшиқ қолади.***

Ёш дўстим! Обод, ҳур Ватаннинг келажаги сенинг қўлингда. Ғурурли, эътиқодли, юрт тупроғини кўзга тўтиё айловчи экансан, юртимнинг келажаги, албатта, буюк. Йўлинг ойдин бўлсин, эй улуғлар авлоди!

**Маматқул БОЗОРБОЕВ,**
**ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси.**

***Истиқлол йилларида маънавиятимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Европага нур айнан Шарқ заминидан, аждодларимиз яратган маърифий жавоҳирлардан тарқалганлигини билдик. Имом ал Бухорий, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк инсонларнинг авлодлари эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланамиз, албатта. Улар қолдирган бебаҳо маънавий мерос ҳар лаҳзада бизни муносиб ворис бўлишга ундайверади. Аждодларимизнинг навқиронлик чоғларидаги ҳаёти биз учун ибратдир.***

# МУНОСИБ ВОРИС БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Тарихга назар ташласак, аждодларимиз оламшумул ишларни айнан ёшлик йилларида амалга оширишганига гувоҳ бўламиз. Соҳибқирон Амир Темур ёшлик пайтлариданоқ ҳарбий ишларга қизиқиб, моҳир саркарда сифатида бутун Шарққа танилган эди. Мўғуллар билан бўлган илк жангда ғалаба қозонганида у 17 ёшда, Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинганида эса 34 ёшда эди. Ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз эса 10-11 ёшларида икки мисрали шеърини айтиб, устози Лутфийни лол қолдирган. Мавлоно Лутфий умри давомида ёзган барча ашъорларини шу икки мисра шеърга алмаштиришини таъкидлаган. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида тахтга ўтирган, ўша пайтларда Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тиклашга интилган. Буюк Хоразмшоҳ, 21 ёшли Жалолиддин Мангубердининг номи мўғул истилочилари юрагига ваҳм солган. Мозийда бундай мисоллар кўп.

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб номланиши барча ёш авлод вакиллари қатори мени ҳам қувонтирди. Ўқиб, пухта билим олишимиз, илму ҳунар ўрганишимиз учун зарур барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳатто чекка қишлоқлардаги тенгдошларимиз ҳам кўп соҳаларда юқори марраларга эришаётгани қувонарли. Хорижий мамлакатларда ўқиб, илм-фан сирларини пухта эгаллаётган ёшларнинг аксарияти дастлабки таълимни қишлоқ мактабларида олишган. Касб-ҳунар коллежларида ҳунар ўрганаётган, тадбиркорликка иштиёқи баланд йигит-қизларнинг интилишлари қўллаб-қувватланмоқда. Шундай юртда туғилганимиз, шу юрт фарзанди бўлганимиз учун кўнглимиз фахр-ифтихорга тўла. Бундай туйғулар бизларни фақат олдинда бўлишга чорлайди.

Бугун бизларга яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан бирга, бурч ва масъулиятни ҳис этган ҳолда билдирилаётган ишончни оқлашимиз керак. Давлатимиз раҳбари “Менинг энг катта ишончим, мадад, таянчим — бу ёшлар” — деганларини ҳеч биримиз унутмаймиз. Дарҳақиқат, келажагимиз, эртанги кун биз — ёшларнинг қўлида. Шу боис ҳам ёшлар ҳаёти билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам ана шундай ғамхўрликларнинг ифодасидир. Ёшлар ҳаётида, турмуш тарзида катта ўзгаришлар яратадиган бу тарихий ҳужжатда ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини сингдириш, ота-оналарга, кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром мужассам.

“Ёшлар йили” Давлат дастурининг ҳар бир бандидаги бизнинг манфаатимиз, порлоқ келажагимизга хизмат қиладиган шароитларни яратиш тўғрисидаги вазифалар ҳам барчамизни янада фаол бўлишга ундайди. Биздан эса ўқиш, ўрганиш, олға интилиш талаб этилади, холос. Шундай экан, бор билим ва иқтидоримизни юртимиз равнақи, тараққиёти учун сарф этишимиз, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга интилишимиз керак.

**Шерзод КАРИМОВ.**

***Юртимиз азал-азалдан қадим обидалари, осори атиқалари, муқаддас қадамжолари билан дунё аҳли эътиборини ўзига қаратиб келган. Маънавиятимизнинг бебаҳо бойликлари ҳисобланган маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, авлодларга етказиш учун ҳар биримиз масъулмиз. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий конференция шу масалага бағишланди.***

# МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

## бебаҳо маънавий меросимиздир

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг туман, шаҳар маданият ва спорт бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ўлкашунослик музейи раҳбарлари, олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Ш. Салимова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ю. Буряков, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими раиси З. Эшмирзаева, «Зиёрат» ННТ раҳбари А. Розихожаев, Ўзбекистон Мусулмонлар диний идорасининг вилоятдаги вакили Ю. Муҳиддиновнинг маърузалари тингланди. Сўзга чиққанлар вилоятдаги ёдгорликларнинг очилмаган қатламларини ўрганиш ва асраб-авайлашда маҳаллий ҳокимликлар, сиёсий партиялар ва ННТлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда миллий туризмни ривожлантириш масалаларини давлат миқёсига олиб чиқиш, ёдгорликларнинг ижтимоий аҳамиятини юртдошларимизга тушунтириш, мазкур соҳада қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоятдаги мавжуд 700 дан ошиқ маданий ёдгорликлардан лоқайдлик, эътиборсизлик натижасида бугунга келиб 300 дан зиёди қолганлиги, улардан ҳам кўпчилиги қаровга муҳтожлиги таъкидланди. Бу масалани давлатдан ажратилган маблағ билан бирга, ҳашар йўли билан ҳам ҳал қилиш мумкинлиги, одамларимизнинг бу каби хайрли ишларга ҳамиша хайрихоҳ бўлиб келганлиги айтилди. Айниқса, академик Ю. Буряков ва З. Эшмирзаеванинг куюнчаклик билан билдирган фикр-мулоҳазалари иштирокчиларни мунозарага чорлади.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зумрад ВАҲОБОВА,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**

# ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

***Жиззах тарихини ўзида мужассамлаштирган вилоят ўлкашунослик музейи республикамиздаги йирик музейлардан бири ҳисобланади. 1986 йилда ташкил этилган музей дастлаб 262 та экспонат билан иш бошлаган эди. Айни пайтда бу ерда экспонатлар сони икки мингдан ошиб кетди.***

**ЎзМТДП ташаббуси билан**

Экспонатларни кўздан кечирар эканмиз, узоқ ўтмишимиздан гувоҳлик берувчи қадимги маданий ёдгорликлар диққатимизни тортади. Археология бўлимида сопол идишлар, аёллар тақинчоқлари, тошдан ясалган буюмлар аждодларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат анъаналаридан огоҳ этади. Ўрда, Пардақўлтепа ва Қалиятепадан топилган бу осори-атиқалар Жиззахнинг 2000 йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Кўплаб тарихий ёдгорликлар билан бир қаторда жойлашган “Аждодларимиз мероси” ҳамда “Бугунги Жиззах тараққиёти” номли кўргазмалар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда, хусусан, Жиззахда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, юртдошларимиз эришаётган муваффақиятлар тўғрисидаги лавҳалар, фотосуратлар кенг ўрин олган.

Вилоятнинг Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманларида ҳам музейлар фаолият кўрсатмоқда. Биргина Зомин тарихий ўлкашунослик музейида айни чоғда беш минг атрофида мозийга дахлдор ёдгорлик сақланаяпти. Зомин тарихий ўлкашунослик музейини ташкил этишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси туман кенгаши раиси Саттор Қорабоевнинг хизматлари айниқса, катта бўлаётир.

Ҳа, музейлар тарихимиз кўзгуси. Уни янада бойитиб, келажак авлодга қолдириш лозим.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**“Миллий тикланиш” мухбири.**



*Юртнинг келажаги ёшлар қўлида. Уларнинг замонавий билимлар, жумладан, компьютер технологияларини мукаммал билишлари мамлакатимиз тараққиётида ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. Шиддат билан илгарилаб бораётган бугунги кунда замонга ҳамнафас бўлиш талаб этилади. Мактаб партасида ўтирган ўғил-қизларнинг устозларидан ўрганаётган билимлари шу маънода уларни ёруғ манзиллар сари етаклайди, албатта.*

**Толибжон МУҲАММАДЖОНОВ** олган сурат.

# ХОРИЖ САРМОЯСИ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

***Мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, уларнинг юқори самара бериши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. 2007 йил якунларига кўра мамлакатимизда инвестиция лойиҳалари 23 фоизга ортиб, 4,3 миллиард доллардан кўпроқ маблағни ташкил этди.***

Бу ўтган йиллар ичидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, юртимизга инвестициянинг эркин кириб келиши ва ўзлаштирилиши учун яратиб берилган қатор қулайликлар натижасидир. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий базаси яратилган.

Аслида, республикамизда инвестиция фаолиятига бўлган эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданёқ бошланган эди. Ҳозирги кунда ушбу сиёсат ўзининг учинчи босқичини ўтаётган бўлиб, бу босқичда: аввало валюта муносабатлари енгиллаштирилди, иккинчидан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфатларини ҳимоялаш бўйича қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, учинчидан, корхоналар техник жиҳатдан қайта жиҳозлантирилди ва сўнгги босқич — импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари устуворликка эришди.

Ҳар йил учун алоҳида инвестиция дастурларининг тузилиши ва амалга оширилиши инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ҳамда лойиҳаларнинг самарали якунланишида ижобий таъсир кўрсатяпти. Масалан, 2007 йил инвестиция дастури доирасида 300дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилган бўлса, 2008 йилги инвестиция дастури доирасида иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларида модернизация ва техник қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари юзасидан жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ тўғридан-тўғри инвестициялар 56,8 фоиз ошди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган юқори эътибор натижасида сўнгги йилларда мамлакатимизда, аввало рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Шунингдек, эскирган иш қувватларига эга корхоналар қайта техник жиҳозланди ва модернизация қилинди, табиий ресурсларни қайта ишлаб, улардан унумли фойдаланувчи корхоналар барпо этилди. Янги корхоналарнинг барпо этилиши, қайта ишга тушиши туфайли янги иш ўринлари пайдо бўлди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини чиқариши орқали интеграциялашув жараёни тезлашди.

Бу юртимизда чет эл сармоясини жалб этиш, улардан фойдаланиш бўйича оқилона сиёсат олиб борилаётганини кўрсатади.

**Лола ВАЛИЕВА,**
**Тошкент молия институти талабаси.**

# ТОҲИРНИНГ ЙЎЛЛАНМАСИ

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли туман бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий “Бўш иш ўринлари” ярмаркалари ёшларни иш билан таъминлашда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур бошқармадан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан ортиқ меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Уларда ўнлаб корхона ва ташкилот ўзининг мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ушбу ярмаркаларда ишга йўлланма олган қарийб 1700 фуқаронинг 750 нафардан кўпроғи ёшлардир.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида бўлиб ўтган ана шундай меҳнат ярмаркасида 64 нафар йигит-қиз ишга кириш учун йўлланма олди. Тоҳир Сафаров — улардан бири. У ярмарка йўлланмасига биноан пойтахтимиздаги Қуюв механика заводига ишга жойлашди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталашнинг фойдали томонлари кўп. Унинг, айниқса, республикамиз экспорт салоҳиятини оширишдаги аҳамияти каттадир. Аввало суғуртанинг иқтисодий моҳиятини тўла тушуниб олиш зарур. Илмий тил билан айтганда, табиат офатлари, бахтсиз ҳодисалар таъсирида юзага келадиган зарарларни қоплаш, олдини олиш ҳамда огоҳлантириш учун мақсадли йўналишдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси суғурта деб юритилади.***

# ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ

Суғурта муносабатлари доимо таваккалчилик категорияси билан чамбарчас боғлиқдир. Иқтисоднинг бошқа жабҳалари каби ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам тижорат таваккалчиликлари катта миқдорни ташкил қилади. Ташқи иқтисодий фаолият таваккалчиликларининг содир бўлиши республикамиз миллий экспортчиларининг айланма маблағлари ва валюта маблағлари, шунингдек, экспортга ишлаб чиқарган маҳсулотларининг йўқотилишига олиб келади. Натижада нафақат экспортернинг ўзи зарар кўради, балки миллий экспортчиларнинг банкрот бўлиши натижасида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг сони камаяди, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси пасаяди.

Одатда ташқи иқтисодий фаолиятда юзага келувчи муаммолар суғурта механизми орқали, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталаш билан ечилади. Суғурталашнинг афзаллик томони шундаки, агар миллий экспортчилар ўз маҳсулотларини экспортга жўнатиб, турли хил сабабларга кўра валюта маблағларини ололмай қолса ёки аксинча, валюта маблағи тўланган ҳолда импорт маҳсулотлари етказиб берилмаса, кўрилган зарарни суғурта ташкилотлари қоплаб беради.

Демак, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини суғурталаш тартибини такомиллаштириш республикамиз иқтисодини ривожлантириш учун ўта муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

**Собир ШИРИНОВ,**
**Тошкент молия институти доценти.**
**Мансубахон МУҲАМЕДОВА,**
**магистрант.**

# КАФОЛАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗДИНГИЗМИ?

***Ҳаётда суғуртанинг аҳамияти катта. Айниқса, унинг қишлоқ хўжалиги соҳасида алоҳида ўрни бор. Масалан, табиий офат туфайли экинларга талофат етади ёки мўлжалдаги ҳосилни етиштиришнинг имкони бўлмади, дейлик. Агар сиз суғурта идораси билан шартнома тузиб, вақтида бадални тўлаган бўлсангиз, етказилган зарар албатта, тўлаб берилади.***

Мана, 10 йилдан ошдики, мамлакатимиз агросаноат мажмуига "Ўзагросуғурта" акциядорлик компанияси беминнат хизмат қилиб келмоқда. Президентимизнинг 1997 йил 25 февралида "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу юртимизда қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бу борада Жиззах вилоятидаги "Агросуғурта" вилоят дирекцияси ва унинг туман бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин.

— Ҳудудимиздаги барча қишлоқ хўжалиги субъектлари фермер хўжалигига айлантирилган, — дейди вилоят "Агросуғурта" дирекцияси директори Адҳам Холмуродов. — Ҳар томонлама агросаноат мажмуига мададкор бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Табиий офат ёки бошқа бир сабаб билан мўлжалдаги ҳосил олинишига зарар етказилса, албатта, уни тўлаб берамиз. Биз билан шартнома тузиб, ўз вақтида товон пулини олган фермер ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари кўп. Хусусан, ўтган йили шартнома ва суғурталаш режаси 106 фоизга бажарилди. Фермер хўжаликлари мол-мулки ва қишлоқ хўжалик экинларини ихтиёрий суғурталаш бўйича режа кўрсаткичлари ҳам қарийб 120 фоизга уддаланди. Албатта, ушбу рақамлар замирида ходимларимизнинг самарали меҳнати ҳам бор.

Айтиш зарурки, вилоятдаги барча фермерлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Масалан, "Агросуғурта" Жиззах туман бўлимида ўтган йили 176 та шартнома имзоланди. 7 та фермерга 35 миллион 71900 сўм суғурта товони тўланди. "Примов Баҳодир" фермер хўжалигига 6909 минг сўм, "Азамат-Азиза" фермер хўжалигига эса 45 миллион 514 минг сўм товон пули берилди. Шунингдек, кам таъминланган оила аъзоларига ҳам моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, "Тоқчилик" маҳалласида истиқомат қилаётган Асқар Саъдиев оиласига жамоамиз

## Фармон ва ижро

маблағи ҳисобидан 1 бош соғин сигир бузоғи билан ҳадя этилди, — дейди "Агросуғурта" Жиззах тумани бўлими раҳбари Дилшоджон Абдуллаев. — Шуни қайд этишни



истардимки, вилоят дирекцияси мижозларга жаҳон андозалари асосида суғурта хизматини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Суғурталаш борасида аҳоли саводхонлигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, барча туман бўлимлари замонавий компьютер воситалари билан таъминланди. Ишни тўғри ташкил қилиш натижасида режаларимиз ортиғи билан адо этилди. Чунончи, суғурта тушумлари 110 фоизга уддаланди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу рақам 456 миллион 100 минг сўмни 503 миллион 510 минг сўмни кўрсатди. Шунга кўра суғурта мукофотлари миқдори ҳам кўпайди. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари мол-мулки ва қишлоқ хўжалиги экинларини ихтиёрий суғурталаш режаси ҳам 118,5 фоиз кўрсаткичга етказилди. Буни рақамларда ифодаласак, 176 миллион 500 минг ўрнига 209 миллион 235 минг сўм тушумга эга бўлдик. Демак, табиий офат рўй бериши оқибатида етказилган барча зарарларни қоплашга бизда имконият кенгайиб бормоқда. Энг муҳими, бундай ғамхўрликни аҳоли чин дилдан ҳис қилаяпти. Биз эса хўжалик юритувчи барча субъектларга мададкор бўлаётганлигимиздан мамнунмиз.

Дарвоқе, мамлакатимизда ҳар хил табиий офатлар туфайли фуқаролар мол-мулкига етказилган, ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмаган зарарларни қоплаш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида бир-бирига рақобатбардош суғурта компаниялари кўп. Аммо улар орасида "Ўзагросуғурта" акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, деҳқон ва фермерлар манфаатига хизмат кўрсатишда ажралиб туради.

Албатта, компания олдида амалга ошириш лозим бўлган бошқа вазифалар ҳам бор. Биринчи навбатда аҳоли ўртасида суғуртанинг аҳамияти, унинг зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш керак. Қанчалик тизим фаолият доираси кенгайса, унинг мижозга фойдаси кўп тегади. Ана шунда хоҳ у давлат ташкилоти, хоҳ фермер ёки шахсий хўжалик бўлсин — уларнинг ўзлари суғурта идорасини қидириб топишга интилади.

**Н. МАЪМИРОВ,**
**"Миллий тикланиш" мухбири.** ®

# ЭЛ СОҒЛИҒИГА КАМАРБАСТАМИЗ

## Хива тиббиёт коллежи жамоасининг аҳди шундай

***Кўҳна ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрининг бугунги жамолини кўриб, ҳар бир киши ҳайратга тушиши табиий. Тарих тилсимлари, сиру синоатларини ўзида жо этган Ичъан қалъа ва бошқа обидалар олдида чет эллик не-не меҳмонлар лол қолиб, халқимизнинг беқиёс қудратига, улкан бунёдкорлик салоҳиятига тан бермаган дейсиз.***

Илму фан, маънавият ва маърифат, маданият гулшани бўлган бу қадим шаҳардан етишиб чиққан улуғ алломалар, азиз авлиёлар, олиму фузалоларга дунё аҳли ҳавас қилишган. Бу уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссалари эканлигини таъкидлашган. Хивалик ёшлар бугун шундай улуғ, азиз аждодларига муносиб авлод бўлишдек олий мақсад билан яшамоқдалар. Ўқиб, ҳунар ўрганишмоқда.

Шаҳардаги қайси билим муассасасида бўлманг, илмга ташна, касб-ҳунар ўрганишга иштиёқманд ёшларни кўриб, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Улар орасида Хива тиббиёт коллежи алоҳида ўрин эгаллайди. Нуфузи, салоҳияти билан тилга тушган бу илм маскани ўзининг яхши анъаналари ила бошқа ўқув юртларидан ажралиб туради.

— Эл соғлиғини сақлашга камарбастамиз, — дейди коллеж директори Равшанбек Шенязов. — Ўқув юртимизда ҳамширалик ва акушерлик иши, тиш техниги, лаборатория диагностикаси йўналишлари бўйича 2319 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Уларга 136 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Яъни, 61 нафар умумтаълим, 75 нафар махсус фан ўқитувчилари ёшларга чуқур билим, касб-ҳунар сирларини ўргатишмоқда. Мақсадимиз ўқувчиларимизнинг камолини кўриш.

Талабалар ўқишни битиргач, соғлиқни сақлаш муассасаларига ишга боришади. Эл соғлиғини асрашдек олижаноб ишнинг соҳиблари бўлишади. Уларнинг қўлида даволаниб, шифо топган беморлар бир кун келиб, "Умрингиздан барака топинг, болам. Қўлингиз асло дард кўрмасин", дея дуо қилишса бошимиз осмонга етади. Ахир, ҳозир ҳам қанчадан-қанча мутахассисларимиз одамлар раҳматига мушарраф бўлиб, ўқув масканимизни шон-шуҳратга буркашмоқда.

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўз ишларини пухта ташкил этиб, мамлакатга ўрта бўғин тиббиёт ходимлари етказиб бераётган мазкур илм даргоҳида ўқувчиларнинг камол топишлари учун барча шароитлар яратилган. Замонавий техника воситалари билан жиҳозланган фан хоналари ва лабораторияларда ўқувчилар чуқур билим олиш имкониятига эга. Ахборот-ресурс марказида назарий билимларини бойитишмоқда. Спорт зали ва майдончаларида жисмонан чиниқиб, ўз маҳоратларини оширишаяпти.

Коллежда рейтинг тизими жорий этилган. Таълим сифатини оширишнинг бу самарали усули етук мутахассислар тайёрлашда қўл келяпти. Яна бир ютуқ таълим соҳасидаги илғор технологияларни кенг қўллашда кўзга ташланмоқда. Услубият хонасида ташкил этилган "Илғор педагогик технологиялар — замон талаби" маркази шу қутлуғ мақсадга хизмат қиляпти. Марказда илғор педагогик технологиялар асосида ўтказилаётган амалий ва назарий машғулотлар видеотасмага туширилиб улардан дарс жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, хорижий давлатлар таълим тизимига оид адабиётлар, ахборотлар кўргазмаси ташкил қилинган.



Коллежда ўқитувчиларнинг ижодий изланишларини кучайтиришга доимо эътибор берилади. Улар томонидан олиб борилаётган ижодий ишлар алоҳида бурчакда намойиш қилинмоқда. Янги педагогик технологиялардан таълим жараёнида фойдаланишнинг бундай самарали усуллари фақат шу билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Услубият хонасида қатор семинар-тренинглар ўтказилиб, таълимдаги янгиликлар билан жамоа мунтазам таништирилиб борилаяпти.

Ўқув даргоҳида маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Коллежда фаолият кўрсатаётган маънавият-маърифат маркази қошида "Гуруҳ раҳбарлари кенгаши", "Хотин-қизлар кенгаши", "Ота-оналар кенгаши", "Камолот" ЁИҲнинг кенгаши иш олиб бормоқда. Улар томонидан "Санамлар сардори", "Балли қизлар" кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинади. 3-босқич ўқувчилари ўртасида "Келинлик остонасида", 1-курс ўқувчилари ўртасида "Дўстлик нима?" мавзуларида қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди. Туман ички ишлар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ кенгаши, диний идора ходимлари иштирокида ўтказилган "Ёшлар ўртасида гиёҳванд моддалар тарқалишининг олдини олиш" мавзусидаги давра суҳбати кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Коллеж ўқувчилари яхши билим олиб, касб-ҳунар эгаллаш билан бирга, фан олимпиадалари, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида қувончли натижаларга эришишмоқда. Ўз ўқув юртлари шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти.

"Ёшлар йили"га бағишлаб туман ёшлари ўртасида ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" беллашувида коллеж жамоаси биринчи ўринни эгаллади. 11 нафар талаба фан олимпиадаларида қувончли натижаларга эришганлиги учун маъмурият томонидан рағбатлантирилди.

Хуллас, коллеж ўқувчилари ўз соҳаларининг кучли мутахассиси бўлишдек қутлуғ мақсадни кўзлашяпти. Устозлар сабоғини олиб, эртанги кунимизнинг муносиб эгалари бўлиш уларнинг эзгу мақсадларидир.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**Зулайҳо ИБРАГИМОВА.** ®

# ИШОНЧ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

***Юртимиз истиқлолга эришганидан буён кенг имкониятлар эшиги очилиб, барча соҳаларда ривожланиш ва тараққиёт кузатилаётир. Бундай муваффақиятларнинг асосига эътибор қаратадиган бўлсак, банк-молия тизимининг ўрни алоҳида эканини кўриш мумкин. Молиявий муассасалар томонидан ажратилаётган кредит маблағлар саноат, қишлоқ хўжалиги каби қатор соҳалар ривожида алоҳида аҳамият касб этмоқда.***

Тизим фаолиятига оид қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан Президентимизнинг жорий йилнинг 20 февралида эълон қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё минтақавий филиалида ҳам кўплаб ишлар қилинаётир.

— Бугунги кунда бизда 4 та мини банк, 2 та жамғарма касса, 1 та махсус касса ва 2 та валюта айирбошлаш шахобчаси фаолият кўрсатяпти, — дейди банкнинг Сирдарё минтақавий филиали бошлиғи А. Маматов. — Жамғарма кассалари орқали 20 турда миллий, 5 турда хорижий валютада омонатлар таклиф қилинмоқда. Бу эса пул маблағларини сақлашда мижозларга қулайликлар яратаётир. Муҳими, мижозларнинг омонат муддатларини танлаш имконияти кенгаймоқда. Бу уларнинг даромадларини оширишда муҳим омил бўлаяпти. 2008 йил 1 январь ҳолатига омонатлар қолдиғи 818 миллион 466 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 1 апрелга келиб бу кўрсаткич 893 миллион 449 минг сўмга етди. Пластик карточкалар қолдиғи эса жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 119 миллион 738 минг сўмни ташкил этди. Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, йил бошига нисбатан банк ҳисобига тушган маблағнинг ҳажми 30 миллион 575 минг сўмга ортган. Бугунги кунда биргина Гулистон шаҳрининг ўзида 55 та терминал ишлаб турибди. Улардан тушаётган маблағни чўтга солсак, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига савдо айланмаси 57 миллион сўмни ташкил қилаётир.

Табиийки, мижозларнинг ишончини қозониш бир қанча омилларга боғлиқ. Аслида ҳар бир мижознинг ишончини қозониш банк фаолиятининг асосий вазифаси ва мақсадларидан бири ҳисобланади. Буни яхши тушунган молиявий муассаса маъмурияти кадрлар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратаётир.

— Фуқаролар билан кўнгилдагидек ишлаш учун ходимларда муомала одоби ва этикасини шакллантириш ҳамда уларнинг билим, савияларини ошириш жуда муҳим, — дейди А. Маматов. — Ходимлардан ҳар бир юмушга масъулият билан, жиддий ёндашиш талаб қилинади, албатта. Аҳоли омонатлари билан ишлайдиган ҳар бир ходим омонат қўювчи жисмоний шахсларнинг ҳисоб варақлари ва пул қўйилмалари тўғрисидаги маълумотларни сир сақлаши шарт. Банк сири сақланишини кафолатлаш ҳам унинг бурчидир. Маълумотларни ноқонуний ошкор этгани ёки учинчи шахсларга бергани учун айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади. Кўриниб турибдики, мижозларнинг ишончи фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

Аҳоли манфаатларини кўзлаб, шунингдек, нақд пулнинг банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, бўш пул маблағларини омонатларда узоқ муддат сақланишидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида юқори фоизли омонат турлари ҳам жорий этилмоқда. «Саховат» омонат тури йиллик 30 фоиз миқдорида, омонатнинг энг кам муддати 3 ойни ташкил қилади. «Ниҳол» омонат тури эса тақдим этувчига йиллик 24 фоиз миқдорида маблағ берилишини кафолатлайди, омонат муддати 18 ой. Жисмоний шахслардан депозит ҳисоб варақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки хорижий банклардаги шахсий ҳисоб рақамларидан ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Омонатларнинг минимал ва максимал миқдори бўйича ўрнатилган барча чекловлар бекор қилинди.

## Молия муассасаларида

10 та фермер хўжалигига ўтган йил давомида банк маблағи ҳисобидан ғалла ўриш комбайнлари ва «МТЗ-80» русумли тракторлар, бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун жами 1 миллиард 199 миллион 882 минг сўмлик кредит ажратилди. «Бахтиёр Синдаров», «Агроплан прогресс», «Унар ота» фермер хўжаликлари шулар жумласидандир. Филиал томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида учта фермер хўжалигига «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайни, яна бир фермер хўжалигига «ВТ-150» русумли занжирли трактор сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилган.

Бундан ташқари, «Конигул Кандохор» фермер хўжалигига ўтган йили «ТС-59» русумли ғалла ўриш комбайни сотиб олиш учун 119 892 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди. Энди мазкур фермер хўжалиги мисолида кредит олишнинг қулайликлари тўғрисида фикр юритсак. Жамоанинг жами ер майдони 80,2 гектарни ташкил қилади. Ўтган йилда хўжалик аъзолари 38,7 гектар ерга пахта, 31 гектар ерга ғалла экиб, парваришлаган эди. Ҳосилдорлик ҳам меҳнатга яраша бўлди. Давлатга 94,7 тонна «оқ олтин», 72,5 тонна ғалла топширилиб, 36 миллион 400 минг сўм соф фойда олишга эришилди. Кредит маблағи ҳисобига олинган комбайн ўрим-йиғим мавсумида қўшни фермер хўжаликларининг ғалла майдонларида ҳам ишлади. Вақтида 485,5 гектар майдондаги ғалла ўрилгани учун 24 миллион 325 минг сўм миқдорида даромад қилинган. Кўриниб турибдики, кредитга олинган маблағдан мақсадли фойдаланиш ҳар жиҳатдан фойдали. Ўрнида ишлатилган кредит маблағи ўзини оқлайди, албатта.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил давомида ипотека, истеъмол ва микрокредитлар учун жами 237 та ёш оилага 1 111,5 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ижроси бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, чорвачиликни ривожлантириш учун 151 та кам таъминланган оилага 154,5 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Шу билан бирга, четдан наслли қорамоллар сотиб олиш учун «Пахтакор» фермер хўжалигига 36 миллион сўм, «Дилшод» фермер хўжалигига эса 12 миллион сўм миқдорида кредит йўналтирилди.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, банк филиали мижозлар билан истиқболли ҳамкорлик ўрнатишга эришаётир. Бу эса ўз навбатида барча соҳаларда ижобий натижасини кўрсатмоқда.

* * *

Сирдарё вилоятида аҳолига ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатиб келаётган молиявий муассасалар кўп. Улардан бири Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Сирдарё вилоят филиалидир.

Президентимизнинг шу йилнинг 20 февралида эълон қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, омонатчилар манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш каби мақсадларни ўз ичига олган.

Фармоннинг асосий талабларидан бири, 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда банклар Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслардан депозит ҳисоб варақаларига, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банклардаги шахсий ҳисоб варақаларидан ўтказилган хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларини талаб қилмаган ҳолда қабул қилишга мажбурдирлар. Унга асосан банк омонатларидаги маблағлар манбалари декларация қилинмайди, солиқлар ва бошқа тўловлардан озод қилинади.

Ушбу Фармон ижроси юзасидан Миллий банкнинг Сирдарё вилояти филиали томонидан тезлик билан ишчи гуруҳи тузилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат моҳияти, унинг талаблари ва берилган имтиёзларни аҳолига, тадбиркорлар ва хўжалик субъектлари ҳамда банкнинг барча мижозларига етказиш мақсадида амалий семинарлар ўтказилди. Жумладан, мазкур Фармон ҳамда «Банк сири тўғрисида»ги қонун банк ходимлари иштирокида жорий йилнинг 20 март куни ўтказилган йиғилишида чуқур ўрганиб чиқилди.

— Барча жойларда эълонлар ҳамда омонатчилар бурчагида Фармон талаблари қайд этилган маълумотлар, банк сирига оид меъёрий ҳужжатлар, амалдаги омонат турлари ҳақидаги маълумотларни мижозларга кўринарли жойга осиб қўйганмиз, — дейди банк бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Б. Ражабов. — Шунингдек, вилоят телевидениесида, «Давр ёшлари» газетасида янги омонат турлари ҳақида мунтазам реклама ва эълонлар бериб боряпмиз. Албатта, бу тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Одамларнинг бизга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Буни мижозлар сони кейинги пайтда анча кўпайганидан ҳам билса бўлади.

Жисмоний шахслар томонидан депозит ҳисоб варақларига қўйилган пул маблағлари уларнинг ўз хоҳишларига кўра ва чекловларсиз доимий равишда бериб борилмоқда. Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятига қатъий риоя қилган ҳолда хизмат кўрсатиш вақти максимал тезлаштирилмоқда. Мижозлар билан бевосита операциялар бажарувчи ходимлар доимий равишда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши назоратга олинган.

Банк томонидан «Келажак», «Кўпайсин», «Омадли», «Омонлик», «НБУ-Классик», «Баҳорги», «Хотиржамлик», «Камолот», «Кўклам» каби омонат турлари жорий этилган. Бу омонатларнинг барчаси фуқароларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Миллий банкнинг Сирдарё вилояти филиалида мижозларга АҚШ долларида ва еврода ҳам омонат турлари жорий этилган. Бунга бир йилга беш фоизлик «Ҳавас» (доллар), беш ойга олти фоизлик «Парвоз» (евро), икки йилга ўн фоизлик «Севинч» (доллар), олти ва тўққиз ойга тўққиз ҳамда ўн фоизлик «Тақдим этувчига» (доллар), шунингдек, олти ҳамда тўққиз ойга етти ва саккиз фоизлик «Тақдим этувчига» (евро) омонат турларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун шиори бугун филиалнинг асосий фаолиятига айланган. Ҳозир бу ерда дунёнинг исталган мамлакатига доллар жўнатмаларини амалга ошириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, банкда соҳага оид қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари мунтазам бажарилиб, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати кундан-кунга яхшиланиб бораяпти.

**Норкул МАЪМИР.** ®

# МАҚСАД — МАРДЛАР КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ

***Ватан равнақи, иқтисодий тараққиёт, миллий тикланиш, бир сўз билан айтганда истиқболимиз ёшларга, ўқув даргоҳларида билим олаётган фарзандларимизга боғлиқ. Шу боис ҳам ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг илм ва ҳунар сирларини пухта эгаллашлари, баркамол шахслар бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.***

Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейи негизида ҳарбий қурилиш йўналишидаги академик лицейнинг ташкил этилгани ҳам фикримиз исботидир. Лицейда бўлиб, таълим-тарбия жараёни, ўқувчиларга яратилган шароитлар билан қизиқдик.

Ўқув даргоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари бораётгани учун фаолият шаҳардаги бошқа ўқув масканларида юритилаяпти. Шундай бўлса-да, ўқувчиларга зарур шароитлар яратилган, ётоқхоналар жиҳозланган. Лицей ўқувчилари тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. 32 нафар педагогларнинг етти нафари фан номзоди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб замон талабларидан келиб чиққан ҳолда биринчи босқич ўқувчиларига умумтаълим фанлари билан бирга, аниқ фанлардан чуқур дарс ўтилиши йўлга қўйилган. Маълумки, шогирдни сабоқ олишга қизиқтира билиш устознинг ўз устида ишлашига, касбий маҳоратига боғлиқ. Бу борада Замира Эргашева, Тошкенбой Мустонов, Ҳабибулла Низомов, Ҳалима Рустамоваларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда масаланинг бошқа бир томонини ҳам ёдда тутмоқ зарур. Бугунги ахборот технологиялари тезкор ривожланаётган замонда экстремизм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг урчиётгани ҳам бор гап. Ёшларни бу иллатлардан муҳофазалаш, миллий қадриятларимизга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратмоқ лозим.

— Президентимизнинг маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмаслиги шарт, дея қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас, — дейди директорнинг маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Хушвақт Абдулхаиров. —

## Бўлғуси Ватан ҳимоячилари

Лицейда ўқувчилар дарсдан сўнг фан тўгаракларига тўлиқ жалб қилинган. Бундан ташқари, спортнинг футбол, мини футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, шахмат-шашка турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Санъатга лаёқати бор ёшлар миллий чолғу ансамблида қатнашишлари мумкин. Маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Мустақиллик байрами, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Давлат тили, Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Конституция куни муносабати билан «Конституция — бахтимиз қомуси», «Сиз қонунни биласизми?», «Биз қандай ҳуқуқларга эгамиз?» каби мавзуларда кўрик-танлов, давра суҳбатлари ўтказилиб, унда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари иштирок этишди. Худди шу кунларда биринчи босқич талабалари «Тантанали ваъда» қабул қилдилар. Ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтган бу тадбир ўқувчиларни тўлқинлантириб юборди. Улар кўнглидаги мардлар касбини эгаллаш истаги қатъиятга айланди. Улуғ аждодларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларида гуруҳларда турли мавзуларда иншолар танлови, қизиқарли кечалар ташкил этилди.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув масканида суд, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, прокуратура ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар иштирокида гуруҳларда «Юқори маданий хулқ, шахсият, умуминсоний меъёрларга риоя қилиш», «Ҳалокатли иштиёқлар — шахс таназзули сари қўйилган қадам», «Аср вабосига қарши бирлашайлик!» каби мавзуларда уюштирилган маъруза ва суҳбатлар, профилактик тадбирлар, кўрсатилган ҳужжатли фильмлар ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади. Ўқувчиларнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига, «Экология ва саломатлик» кунларига жалб этилиши, шаҳардаги тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилиши эса уларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув даргоҳидан қайтар эканмиз, бу ерда ўзларини ёшлар тарбияси учун жавобгар деб ҳис қиладиган устоз-мураббийлар фаолият юритаётганига, уларнинг меҳнати бесамар кетмаслигига, келажакка мустаҳкам пойдевор қўйилаётганига, фарзандларимиз тақдири ишончли қўлларда эканлигига амин бўлдик.

**Худоёр КАРИМОВ.**

# ДУРУ ГАВҲАРДАН ЗИЁД

## *оқил шогирд устоз учун*

***Устоз мақоми жуда шарафлидир. У шогирд олдида бурчли, унинг ҳаёт йўлига жавобгар ҳисобланади. Ҳақиқий устоз шогирдига илм ва касб-ҳунарни пухта ўргатиш билан бирга, уни ҳаётда қоқилмай яшашга ҳам ўргатиб боради.***

Ҳазрат Саид Мир Кулол Баҳоуддин Нақшбандга ёшлик пайтларида устозлик қилган эканлар. Қиш пайтларида таҳорат учун офтобадаги сувни биқинлари ва кўкракларига қўйиб иситар экан. Бир кечаси кундуз кунги хизматдан чарчаб, ҳужра эшиги остонасида мизғиб қолибдилар. Қаттиқ ёққан қор Нақшбанд устини оппоқ қилиб ёпибди. Устозлари таҳорат олмоқ учун ҳужрадан чиқиб, билмасдан Нақшбанднинг юзларига оёқ қўйибдилар. Сесканиб уйғонган шогирдига қараб:

— Биз-ку, билмасдан сизнинг бошингизга оёқ қўйдик. Илоҳо, келгусида сизнинг оёғингизга бутун авлодлар бош қўйгай, — деб дуо қилган эканлар.



Устоз дуоси мустажоб бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд машҳур муридлар сафидан ўрин олганлар. У зоти бобарокат 1313-1389 йиллари Бухорода яшаб, юзлаб шогирдлар тайёрлаганлар. Ислом оламида Нақшбандия тариқатига эътиқод қилувчилар анчагина.

Дарёда чўмилишдан олдин сузишни билмоқ керак. Деворсиз кўчани кўриш мумкин эмаслиги ҳаммага аён. Қалбни билган, унга йўл топган устозларга таҳсин айтиб келинган. Ҳа, ҳар қандай мевали дарахтни меваси, устозни эса чин ихлосли, ҳавасли ва билимдон, ақлли шогирди безайди. Устоз фарзандини қандай севса, шогирдини ҳам шундай севмоғи керак.

Устоз ва шогирд ўртасида ўзига хос одоб-ахлоқ қоидалари мавжуд бўлади.

## Маънавият сабоқлари

Одатда шогирдини шуҳрат учунгина эмас, балки одамлар оғирини енгил қиладиган, уларга ўз касби ва илми билан завқ-шавқ бахш этадиган Инсон қилиб ўстирмоғи керак. Отасининг бойлиги ва амали учун шогирд тайёрламоқчи бўлган устозлар ҳаётда адашган инсонлардир. Аввало устоз шогирдига ўз соҳасининг нони, меҳнати оғирлигини, танлаган касбининг йўли қийинчиликлардан иборат эканини очиқ-ойдин айтмоғи лозим. Агар бу соҳага бутун онгли фаолиятини бахшида этсагина, қўрқмаса ўшандагина бахт, иқбол қучажагини баён этмоғи керак.

Баъзи бир устозлар шогирдларини майда-чуйда ишлар билан чалғитиб, қимматли вақтини зое кетказадилар.

— Менинг, — дейди Акмал ака деган танишим. — Аспирантлик, тадқиқотчилик йилларим бекор ўтган десам бўлади. Устозим бой ва амалдор кишиларнинг фарзандларини ўзига шогирд қилиб оларди. Лекин талантли, қобилиятли ёшлардан ҳам шогирдлари бўларди. Буларни ишлатиб, "улар"нинг диссертацияларини ёздирарди. У кишининг "бизнеси" шундан иборат эканини умримнинг ярими ўтиб кетаётгандан кейингина англадим. "Устоз" бизларни қариндош, яқинларига, "ижара"га хизматга берарди. Илмий хизмат сафарига бизларни ёзиб, пулини ўзи оларди. Қилмиш-қидирмиш деганлари рост экан. Охири устознинг сири очилиб, ўзи бадном бўлди.

Ҳамма даврларда ҳам олимларга, моҳир санъаткор ва ҳунармандларга кимнинг шогирди эканлигига қараб баҳо берганлар. Устознинг ўз анъанавий мактаби бўлган. Улуғ устозлар ҳеч қачон илм-фандан даромад ва манфаат изламаганлар. Ҳар қандай билим такрорлаш ва изланиш билан, касб-ҳунар эса ишлов бериш билан жило топган. Такрорлаш — билимнинг онаси, деб шунга айтадилар.

Ҳанафия мазҳабининг асосчиси — Имом Аъзам ҳазратлари устозларини ниҳоятда ҳурмат қилар эканлар. Ҳатто, уйида бўлганларида етти маҳалла нарида турган устозининг уйига қаратиб оёғини узатмаган эканлар.

Устозниннг ёшига, лавозимига қараб эмас, билим-маҳоратига, ўз соҳасини яхши билишига, ахлоқий фазилатларига қараб баҳо берилади. Улуғ ва машҳур боболаримизнинг обрў-эътибор топишида, билим, камтаринлик, ҳақгўйлик энг муҳим фазилат ҳисобланган. Устоз ҳам, шогирд ҳам бир-бирларининг қалбига йўл топиб, бир-бирларини тушуниб, кечиримли бўлсагина, улуғ мақомларга муяссар бўладилар.

Қишлоғимизда бир неча қассоб бўларди. Уларни одамлар фарқлашарди. Отам: "Фалончидан гўшт олиб келгин", — дердилар. Кейинчалик билсам, ўша қассобдан олинган гўшт мазали ва баракали бўларкан. Кўплар нонни ҳам новвойига қараб олишади. Тўй-маъракага ошпаз ва хонанда танлаймиз. Уй қурсангиз ҳам насл-насабли устага ишонч билдирасиз. Азал-азалдан тўрт томонга, етти маҳаллага доңғи кетган устозларга мурожаат қилинган. Ҳозирда ҳам шундай! Бекорга "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", демаганлар-да!

— Отам доимо: "фалончи"нинг машинасига минмагин, дердилар. Ҳайрон бўлардим, аммо отамнинг гапларига қулоқ тутардим. Бир куни ўша машина фалокатга учраб, бир неча одам нобуд бўлди. Кейин билсам, бу одам нопок шофёр экан, — дейди Кароматуллоҳ деган танишим.

Ҳа, ҳар бир соҳанинг ақлли, билимдон, тажрибали, одоб-ахлоқли устозлари бўлгани аниқ. Уларни эл-юрт ҳурматлаб "устоз" дейишган. Айрим улуғ кишиларнинг маънавий-руҳий устозлари ҳам бўлган. Ҳаёт давом этар экан, устозлар доимо қадрланиб бораверади. Ҳалол, имон-эътиқодли шогирдлар эса устозлари анъанасини давом эттираверадилар.

Ота-она ва устоз дуоси тарозининг икки палласи бўларкан. Улар дуоси кишини ҳеч қандай тўсиқларсиз жаннатга киритар экан. Бундай устоз ва шогирдларнинг имони мустаҳкамдир. Одатда имонни бир улкан дарахт деб билсак, унинг мағзи — дуо, уруғи илм, илдизи эса ихлосдир.

*Бўлма мағрур унвонга сен, алломасиз, десалар ҳам,*
*Камтар бўлди алломалар минг қоядан ошганда ҳам.*
*Дур-гавҳардан ортиқ эрур оқил шогирд устоз учун,*
*Устозингнинг қадрини бил, бошинг кўкка етганда ҳам.*

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ.**



***«Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир», — деган мақол бор халқимизда. Шу боис фарзандининг етук инсон бўлишини истаган ҳар бир ота-она, ҳар бир миллат уни ёшлигидан яхши таълим-тарбия олишига муҳим масала сифатида қарайди. Бунда мактабнинг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта. Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизимида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди.***

# КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

## *унда мактаб муҳим босқичдир, дейди Касби туманидаги 2-мактаб директори Гулчеҳра ТУРСУНОВА*

Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2008 йилларга мўлжалланган Давлат дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Натижада ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун мактабларда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ўқув бинолари замон талаблари даражасида бунёд этилиб, жиҳозланди. Бу чин маънода озод юртнинг порлоқ келажаги бунёдкорлари камоли йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

— Бугун юртимизда мактаблар фақат билим берадиган жой эмас, ҳар томонлама тарбия ва маърифат масканига айланди, — дейди Касби туманидаги 2-умумтаълим ўрта мактаби директори, Халқ таълими аълочиси Гулчеҳра Турсунова. — Малакали мутахассислар жалб этилиши ёшларнинг маънан баркамол, жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларини таъминлади.

Гулчеҳра опа бу сўзларни ишонч билан гапиради. Зеро, ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда амалга оширилган ибратли ишлар ҳам сўзларининг исботидир. Мазкур ўқув даргоҳида тажрибали раҳбар бошчилигида 76 нафар мураббий фаолият олиб бормоқда. Улар орасида Халқ ўқитувчиси, халқ таълими аълочилари, Давлат мукофоти соҳиблари ва олий тоифали ўқитувчиларнинг борлиги қувонарлидир.

Интилиш, қизиқиш, изланиш шогирдларга қанчалик фойдали бўлса, устозларга ҳам бу хислатлар шунчалик зарур. Шу маънода айтадиган бўлсак, жамоадаги аксарият ўқитувчиларнинг интилишлари алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, биология ўқитувчиси Васила Шарипова, инглиз тили ўқитувчиси Неъмат Мусаев, меҳнат таълими ўқитувчиси Раъно Қаҳҳорова, рус тили ўқитувчиси Озода Баҳодирова каби истеъдодли устозлар «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловининг туман, вилоят, республика босқичларида муваффақиятли иштирок этди.

Бундай устозлардан таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг эришган ютуқлари ҳам чакки эмас. Айниқса, спорт соҳасидаги кўрсаткичлар таҳсинга сазовор. Ўқувчиларнинг 400 нафари спорт тўгаракларига бириктирилган.

— Жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз туман марказидаги спорт мажмуаси мураббийлари ҳамдир, — дейди ўқувчилар биз билан суҳбатда. —Мактабдаги

## Таълим ва ислоҳот

дарслар жуда қизиқарли кечади. Шунинг учун ҳам дарсдан ташқари мажмуадаги улар бошчилигидаги бадиий гимнастика, миллий кураш, стол тенниси, қўл тўпи, футбол каби тўгаракларга иштиёқ билан қатнашамиз.

9-синф ўқувчиси Дилфуза Қувватова ва 6-синф ўқувчиси Қудрат Бўронов қўл жанги бўйича республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Бунда моҳир устоз-мураббийлар бошчилигида олиб борилган машғулотларнинг ўрни катта, албатта.

Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириб бориш, ҳуқуқий билимларини ошириш жамият ривожида муҳим ўрин тутади. Ушбу ғояларни ўзида мужассам қилган давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси Шоҳиста Қораева, миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси Умид Файзуллаевнинг дарслари жонли тарзда ўтади. 927 нафар ўқувчини ўз бағрига олган мактаб биносида жорий йилда 147 миллион сўмга мўлжалланган таъмирлаш ишлари «Ислоҳотчи» қурилиш-таъмирлаш корхонаси жамоаси томонидан бошлаб юборилди.

Тўлиқ таъмирдан чиққан таълим даргоҳида янги ўқув йили янада қизғин бошланишига шубҳа йўқ. Директор Г. Турсунова таъкидлаганидек, мактаб чин маънода таълим-тарбия ўчоғи бўлмоғи, айнан шу маскан комил инсонлар тарбиясида муҳим босқич эканлигини устозу мураббийлар ҳамиша ёдда тутмоқлари даркор.

**Лазиза СУЛТОНОВА.**

# ДОНО ҚОЗИ

## *Ибратли ривоят*

***Бурунги замонда бир қози бўлган экан. У ҳамиша адолатли ҳукм чиқарар, халойиқ ҳам ундан рози экан. Қозининг таърифи подшонинг қулоғига етибди. Подшо қозини ўзим синаб кўрай деб савдогар қиёфасида йўлга чиқди. Бир неча кун юриб, қози яшайдиган кўчадан ўтиб кетаётган эди, гадой унинг йўлини тўсиб садақа сўради. Подшо садақа берди. Гадой эса ялинди:***

— Менинг оёғим майиб, юролмайман. Отингга мингаштириб, ҳув анави ергача обориб қўй.

Подшо қараса гадой оқсоқланиб юрибди. Уни отига миндириб айтган ерига олиб борди.

— Мана, келдик, биродар, энди туша қол, мен бошқа ёққа кетаман.

— Ўзинг туш, — деди гадой, — бу менинг отим. Уйга кетишим керак.

— Эсинг жойидами ўзи? — деб кулди подшо. — Аввал садақа сўрадинг, бердим. Кейин оёғим оғрийди, отингга миндир дединг, яхшиликка ёмонликми? Туш отдан!

Гадой бақира бошлади:

— Халойиқ, ёрдам беринглар! Мана бу киши зўравонлик қилиб отимни тортиб олмоқчи. Мен бир ногирон, бечора кимсаман.

Одамлар савдогар либосидаги подшога танбеҳ берди:

— Бир ғарибга зуғум қилиш мусулмон кишига ярашмайди, отини беринг.

— Бу менинг отим-ку, қандоқ қилиб бераман?

— Унда қозига борамиз, — деди гадой.

— Бўпти, — деди подшо ва иккаласи узун-қисқа бўлиб, қозихонага кириб боришди. Қарашса, бир мулланамо киши билан одми кийинган одам гап талашиб турибди. Уларнинг бири олим, бири деҳқон экан.

— Ахир, бу аёл менинг жуфти ҳалолим, йигирма йил бўлди бирга яшаймиз, — деб олим паранжилик заифага ишора қилди.

— Йўқ, бу менинг хотиним, тўрт боланинг онаси. Ўз аёлимни ўзим танимайманми? — деди жиғибийрон бўлиб деҳқон. — Адолат қилинг, қози почча!

— Бу заифа бугунча шу ерда қолсин, сизлар эртага келинглар, — деди қози.

Олим билан деҳқон чиқиб кетишди. Қози "қулоғим сизларда" дегандек мусофир киши билан мажруҳ гадойга ўгирилди. Аввал подшо гапирди. У бўлган воқеани батафсил айтиб берди. Сўнг гадой сўз олди:

— От миниб келаётган эдим. Мана бу тақсирим йўл четида ўтирган экан. Оёғим оғриди, ҳув анави ергача отингга миндириб ол, деди. Хўп, дедим. Айтган ерига келганда туш десам, от меники деб тушмайди-да. Одил ҳукм қилинг, қози ота.

— Бўпти, — деди қози, — отни қолдиринглар. Иккалангизга ҳам рухсат. Эрта билан келасизлар.

Икки даъвогар чиқиб кетишди. Азонлаб келишди. Қозикалон олим билан деҳқоннинг масаласини ҳал қилаётган экан.

— Хотин сизники экан, — деди у олимга, — бировга туҳмат қилгани учун деҳқонга йигирма дарра урилсин.

Навбат подшо билан гадойга келди.

— Юринглар, отхонага борамиз, — деб қози ўрнидан турди, — йигирма отнинг ичидан ким ўзиникини таниб олса, қўли баланд. Келишдикми?

Сайисхонага келдилар. Қози гадойни ташқарида қолдирди, подшони етаклаб ичкари ўтди. Йигирма чоғли от ўйноқлаб турарди. Подшо арғумоғини дарров таниди.

— Мана шу меники бўлади.

— Яхши, — деди қози ва подшонинг ўрнига гадойни бошлаб кирди. Не ажабки, гадой ҳам ўзи минган отни тўғри топди. Қозихонага қайтиб бордилар. Қози мулозимларга буюрди:

— Тижоратчининг отини ўзига беринглар. Бировнинг молига кўз олайтиргани учун мана бу каззобга йигирма қамчи уринглар.

Гадой вой-войлаб чиқиб кетди. Қози билан подшо ёлғиз қолдилар.

— Бизга не гапингиз бор, тақсир? — деди қози.

— Заковатингизга ақлим лол, — деди подшо, — ўша заифанинг жуфти ҳалолини нечук аниқладингиз ва отнинг асл эгасини қандай топдингиз? Марҳамат қилиб айтиб берсангиз, тақсир.

Қозикалон соқолини тутамлаб мийиғида кулди:

— Эрта билан аёлга иш буюриб кўрдим. Менинг сиёҳдонимга сиёҳ тўлдиринг, дедим. У билак шимариб ишга киришди. Аввал сиёҳдонни обдон ювди, ич-сиртини яхшилаб артди. Сўнгра бир томчи сиёҳни ерга томизмай сиёҳдонни тўлдирди. Бунақа юмушни ҳар куни қилиб юрган одамгина уддалаши мумкин. Ҳа, сен олимнинг жуфти ҳалоли экансан, деб иқрор бўлдим. Хўш, от масаласига келсак, бу андак мушкулроқ бўлди. Ўша каззоб гадой ҳам отни таниб меники деди-да. Каминага отингизнинг ўзи кўмак берди. Сиз отга яқинлашганда унинг кўзлари ёнди, сизга эркаланди. Гадойни кўрганда эса, қулоқларини чимириб ер тепинди, арқонни узмоқчи бўлиб типирчилади. Билдимки, бу от сизники экан.

Подшо беихтиёр қозининг қўлини олди.

— Офарин, қозикалон! Ростини айтсам, мен шу мамлакатнинг подшосиман. Сиздек одил қози борлигини эшитиб синамоққа келган эдим.

**Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.**

# ЁШ ОИЛАЛАР БЕЛЛАШДИ

**Спорт**

Урганч шаҳрида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини ошириш, оилавий спортни ривожлантириш мақсадида ёш оилалар ўртасида вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан 15 оила ўзаро куч синашди.

Мусобақалар 20, 60, 100 метрга югуриш, оналар ўртасида баскетбол, оталар ўртасида тош кўтариш, узоқликка сакраш, фарзандлар ўртасида велосипед ҳайдаш, тўсиқлар ошиш бўйича қизғин тус олди. Якуний натижада биринчи ўрин Қўшкўпир туманидан Раҳимовлар оиласига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Общество с ограниченной ответственностью «Tutzor Non» объявляет об уменьшении уставного фонда с 28091000 сум до 27549360 сум.***

***Общество с ограниченной ответственностью «Tutzor Non» преобразуется в частное предприятие «Tutzor Non».***

*Муассис:* **«Миллий тикланиш» демократик партияси**

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — ижтимоий-сиёсий газета

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*

® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
*Нашр кўрсаткичи — 158*

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Адади 2848*
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй